



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!


2013-yil, 9-aprel. Seshanba 42 (31.632)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуглаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизни, ишончимизни мустақамлаш демакдир.



Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки қориз курса, ё бирон боғ кўкартурса, ё худ бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонуни-қондасига мувофиқ хирож йиғсинлар.

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлсаю, (лекин) обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин.

Буюрдимки, агар (ҳар ер ва элнинг) амалдорлари билан калонтарлари оддий фуқарога жабр-зулм қилса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса, (бундай вақтларда) етказилган зарарни калонтарлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи улар яна ўз ҳолларига келсинлар.

Амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда қоризлар курсинлар, бузилган кўприкларни тuzатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига (янги) кўприклар солсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар бунёд этсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар...

БУЮК БУНЁДКОР

Халқимиз тарихида шундай буюк шахслар борки, уларнинг тақдири Ватанимиз тақдири билан чамбарчас боғланиб кетган. Бундан қарийб етти аср илгари яшаб ўтган буюк давлат арбоби, саркарда ва бунёдкор Амир Темур ана шундай сиймолардан биридир.

→ 3

«Жаҳон чемпионати — 2013»



ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати бошланди

Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақа дунё атлетлари учун 2014 йилнинг 16-28 август кунлари Хитойда ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган II Олимпия ўйинларига йўлланма берадиган дастлабки ва энг асосий мусобақадир. Унда ўсмирлар 25, қизлар эса 22 олимпия лицензияси учун кураш олиб боради.

→ 4

Томаш АЯН:

ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ВА САМАРАЛИ ЙЎЛИ ТАНЛАНГАН

Шу кунларда Тошкентда оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати давом этмоқда. Мазкур дунё биринчилигида 70 мамлакатдан қарийб 500 нафар спортчи ғолиблик учун курашмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири ушбу нуфузли халқаро спорт анжумани доирасида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти, Халқаро олимпия қўмитаси аъзоси Томаш АЯН билан суҳбатлашди.

→ 4

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч



Санжар ШОТЎЛТАҒАНОВ олган суратлар.

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ТАЪСИР КУЧИ

ошишида қуйи бўғин ташаббускорлиги муҳим ўрин тутди

Сиёсий партия Дастури, унинг олдида турган вазифалар қай даражада бажарилиши кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаоллигига боғлиқ. Бунинг учун қуйи бўғинда салоҳиятли, изланувчан, сиёсий-ҳуқуқий билими юқори етакчилар сафини кенгайтириш, уларнинг тажрибасини мунтазам ошириб бориш зарур. Чунки давр сиёсий партиялар олдида жиддий ва масъулиятли вазифалар қўйди. Уларни самарали бажаришда бошланғич ташкилотлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

→ 2

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

ФАОЛЛИК МЕЗОНИ

амалий ишлар билан белгиланади, — дейишди ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши пленумида сўзга чиққанлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг шу йил март ойи охирида бўлиб ўтган пленуми партия ҳаётидан шубҳасиз муҳим воқелик сифатида ўрин олди. Унда кун тартибига киритилган масалаларга аниқ таҳлил асосида ёндашилгани ва амалий режалар белгиланиши жойларда ҳам акс садо бермоқда. Фарғона вилоят партия кенгашининг IX пленуми ҳам шундай руҳда ўтди.

→ 2



Ижтимоий ҳимоя

Яқинда Денов туманида «Денов-равнақ-камали» хусусий корхонаси фойдаланишга топширилди. Натижада 15 нафар киши иш билан таъминланди. Уларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

ЯНГИ КОРХОНА

ишга тушди

— Ўтган йили 50 миллион сўмга хориждан пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳ ва ускуналар олиб келгандик, — дейди корхона раҳбари Ҳабибулло Муродов. — Маҳсулотларимиз сифати, бежиримлиги ва арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Йил охиригача 350-400 миллион сўмлик пойабзал ишлаб чиқариш ва қўшимча 20 та янги иш ўрни яратишни режалаштирганмиз.

— Обод турмуш йилида туманда 6 минг 353 та янги иш ўрни яратиш белгиланган, — дейди Денов туман ҳокими ўринбосари Дилмурод Аллабердиев. — Давлат Дастурига асосан 140 та катта-кичик корхоналар фойдаланишга топширилади. Биринчи чорак якунларига кўра, 1 минг 461 та янги иш ўрни яратилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Website screenshot showing news about 'XXI ASR MUQOBIL ENERGIYA ASRI BULADI' (XXI Century Energy Era is Coming) with a URL http://www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

ФАОЛЛИК МЕЗОНИ

амалий ишлар билан белгиланади, — дейишди ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши пленумида сўзга чиққанлар



Кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар матни пленум иштирокчиларига аввалдан тарқатилди. Партия фаоллари бундай янгиликни маъқуллаган ҳолда, мавзу юзасидан баҳслар, таклиф ва мулоҳазаларни маслаҳатлашар эдилар. Бу эса пленум қизгин тортишувлар майдони айланганидан дарак берарди.

Янги тартибга кўра, пленум маъруза тинглашдан эмас, фаоллар эътиборига ҳавола этилаётган масалалар муҳокамасидан бошланди.

— 2012 йилда туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан 3 та масала халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссияларида, 2 та масала сессияда кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди, — деди **Тошлоқ туман партия кенгаши раиси Умматали Маҳмудов**. — Лекин бу мақтанга нафақа кўрсаткич эмас. Хали таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда яхши натижаларга эришса олмаймиз. Касб-хунар коллежларидаги айрим ихтисосликларни ўзгартириш ҳақидаги таклифларимиз ечимини топганича йўқ.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Туманимизда томорқада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ривож топган. Лекин бу иш билан банд аҳоли халигача тўлиқ рўйхатга олинмаган. Демакки, уларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатланмаган. Шундай экан, айнан бандлик ва оилавий тадбиркорлик масаласига янада кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим.

— Масалалар кенгроқ ёндашиш керак, деб ҳисоблайман, — дея сўз бошлади **халқ депутатлари Данғара туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатилик гуруҳи аъзоси Абдусамид Исмоилов**. — Хозир ҳамма ерда қурилиш, бунёдкорлик ишлари давом этяпти. Бизнинг «Фумайли» маҳалла фуқаролик йиғини ҳудудда 3500 нафар меҳнатга лаёқатли киши бор. Уларнинг 500 нафари ишсиз фуқаро сифатида рўйхатга олинган. Аслидачи? Улар ҳали у маҳалла, хали бу туман марказидаги қурилишларда озгаки келишувга кўра ёлланма ишни бўлиб меҳнат қилмоқда. Бир жойда ишни битирса, бошқасига ўтади. Хўш, нега уларни ишсиз дейишимиз керак? Менимча, бошланғич партия ташкилотлари шундай ҳолатни ўрганиб чиқиши, умумлаштириши, сўнгра уларни қонуний йўллар билан расмийлаштириши бўйича аниқ ташаббус-

лар билан чиқиши керак.

— Партия ташкилоти, унинг депутати учун гоё ва дастур ижроси, электроташаббусчи бўлишидаги масаланинг катта қисми талаб даражасида эмасди. Икки қишлоқда ичимлик суви таъминотида муаммо бор эди. Бундан ташқари, кутубхоналар фондини бойитиш масаласида ҳам муурожаатлар бўлди. Шу ва бошқа масалалар бўйича тегишли идораларга 18 марта муурожаат қилдим. Бу масалаларда халқ депутатлари туман Кенгаши қарорлари, вилоят идораларининг буйруқлари чиқарилишига эришдик. Натижада тегишли муаммолар ҳал этилди, партия-мига хайрихоҳлар кўпайди. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир ишимиз амалий натижа бериши учун курашишимиз керак.

— Қанотимиз ўз фаолиятини асосан жамоаларда олиб боради, — деди **«Истиқбол» ёшлар қаноти Фарғона шаҳар бўлими етакчиси Бунёд Аҳмадалиев**. — Бу йил биз маҳаллалар билан яқиндан иш бошладик. Бунинг учун бир неча лойиҳаларни

амалга оширмоқчимиз. Масалан, «Ҳар бир маҳалладан битта ташаббускор ёш» лойиҳасини олайлик. Шаҳримизда етмишга яқин, вилоятда эса салкам мингта маҳалла бор. Агар биз молия, солиқ, банк тизимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда шу лойиҳани амалга ошириб, ҳар бир маҳаллада биттадан ёш ўз ишини очишига кўмаклаша оلسак, бандлик дастури ижросига муносиб ҳисса қўшган бўлардик.

Пленумда аввалдан сўзга чиқувчилар белгиланмаган эди. Минбарга партия фаоллари, депутатлик гуруҳлари аъзолари, етакчилар бирин-кетин сўз сўраб чиқавердилар. Энг муҳими, ҳеч ким йилги ишларни тугатган экан, деб ўтиргани йўқ. Қисқа, лўнда, қизқарлик таҳлил ва таклифлар айтилди.

— Депутатлик гуруҳларимиз ташаббусларини янада ривожлантириш партия дастурий мақсадларини амалга оширишда асосий вазифа бўлиб қолмоқда, — деди **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳкамов**. — Тўғри, 2012 йилда уларнинг фаоллиги кузатилди. Лекин, депутатлик гуруҳларининг деярли ярми ҳали ҳам ҳаракатсиз. Жумладан, Марғилон шаҳар, Бешарик, Ўзбекис-

тон, Фарғона, Данғара, Богдод туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан сессияларга йил давомида бирорта ҳам масала киритилмади. Биз учун депутатлик гуруҳларининг фақат фаоллиги эмас, балки электроташаббусчи манфаатларига жавоб берадиган амалий натижалари муҳим.

Вилоят партия ташкилоти етакчиси ўз чиқишида бир қатор қизқарлик таклифларни ҳам ўртага ташлади.

— Тизимли жамоатчилик ва депутатлик назоратини жойларда амалга ошириш учун халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ва шаҳар, туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ўртасида ҳамкорликни кучайтириш лозим. «Коллеж-корхона» тизимини ривожлантириш, битирувчиларни кафолатланган иш ўрни билан таъминлашга қаратилган уч томонлама шартномалар тузиш амалиётини такомиллаштириш, бу борадаги давлат қарорлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини самарали ташкил этиш зарур.

Пленум 2013 йилдаги муҳим вазифалар қаторида, бошланғич партия ташкилотлари иш фаолиятида самарадорликка эришишга алоҳида эътибор қаратди. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда 20 фоизгача бошланғич ташкилотлар ўз таркибиде 5 кишидан кам партия аъзоларига эга. Айниқса, бундай ташкилотлар Кўкон, Марғилон шаҳар, Ўзбекистон, Учкўприк, Риштон туманларида кўпдир.

— Қатор бошланғич ташкилотлар раҳбарларини ёшлар ҳисобига янгилашга катта эҳтиёт сезилмоқда, — деди Маҳмуджон Маҳкамов. — Вилоят миқёсидаги мавжуд 869 та бошланғич партия ташкилотининг 254 тасига нафақа ёшидаги кишилар раҳбарлик қилади. Барча муаммолар партия бошланғич ташкилотларида шу йилнинг иккинчи ярмида ўтказиладиган ҳисобот-сайлов йиғилишлари даврида ҳал этилиши лозим.

Пленумда яна кўплаб таклифлар билдирилди ва улар асосида тегишли амалий, дастурий қарорлар қабул қилинди.

Муҳаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ҳаётидан

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ

такомиллаштирилиши зарур

Хар бир сиёсий партиянинг асосий мақсади мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир. Бу электроташаббусчи манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга муносиб турмуш шароитлари яратилиши учун курашиш йўли билан амалга оширилади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган навбатдаги сиёсий ўқув-масгулотида электроташаббусчиларни ўрганиш, у билан ишлашнинг замонавий шакл ва услублари, бу борада қилинаётган ишларни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева электроташаббусчи билан ишлашда тўпланган тажриба, шундан келиб чиқиб янги гоёлар, лойиҳаларни илгари суртиш лозимлигини таъкидлади. Ҳар бир партия ташкилоти тегишли ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, одамлар орасига янада чуқур-қуриб бориши зарурлиги ҳақида сўз юритди.

— Электроташаббусчи солаётган масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш партия ташкилотларининг асосий вазифаси ҳисобланади, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Назира Матқубова**. — Энг аввало, бошланғич ташкилотлар мавжуд муаммоларни ўрганиши ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан таклифларини

юқори партия ташкилотларига тақдим этиши керак. Зарур бўлса, Олий Мажлисдаги фракциямиз аъзоларига берилиши тавсия этилади. Масала чуқур ўрганилган, лозим топилса, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар тайёрланади. Шу тариқа электроташаббусчи муаммолари босқичма-босқич бартараф этилади. Ана шу механизм доимий ва самарали ишласагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари Ҳафиза Каримова, Шухрат Турсунбоев, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари Кимё Шокирова, Нигора Эшметова ва бошқалар сўзга чиқиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Амалий семинар якунида электроташаббусчи билан ишлашда янги лойиҳалар тайёрлаш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Навоий вилоят бўлими томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган амалий семинар ташкил этилди. Унда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари ва қанот аъзолари иштирок этди.

— Бугун давр ёшлардан ижтимоий-сиёсий фаоллик, теран дунёқараш, янгича ташаббуслар кутмоқда, — дейди **ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Феруза Дониёрова**. — Ўсиб келаётган ёш авлодда бу каби тушунчаларни шакллантиришга ҳисса қўшиш «Истиқбол» ёшлар қаноти олдидаги асосий вазифадир. Тенгдошларимизни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш ва бу борада ҳаётий таклифлар билан қиши фаолиятимизнинг

асосий йўналиши ҳисобланади.

Тадбирда бу борада ёшлар фаоллигини янада ошириш масалалари муҳокама этилди. Семинарда ёшлар қаноти фаолиятини кучайтириш, депутатлик гуруҳлари ва ҳудудий партия ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ТАЪСИР КУЧИ

ошишида қуйи бўгин ташаббускорлиги муҳим ўрин тутади

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда «**Сиёсий партия бошланғич ташкилотларининг самарали фаолиятини таъминлаш масалалари**» мавзусида ўтказган семинар-тренингда шу ҳақда фикр алмашилди.

Партия кенгашлари ва депутатларнинг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш тартибини янада такомиллаштириш бўйича амалий таклифлари илгари сурилди.

Дониёр АЮПОВ, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими раҳбари:

— Ҳар бир сиёсий партия салоҳиятини қуйи бўгин белгилайди. Партия ўз дастурий мақсадларига эришиши, жамият ҳаётида таъсир кучига эга бўлиши учун унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур. Электроташаббусчи билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганишда бошланғич партия ташкилотларини нафақат ташаббускорликка ундаш, балки уларни қўллаб-қувватлаш, фаоллик кўрсатишдан манфаатдорлигини ошириш зарур, деб ўйлайман.

Учун ШОЙИМҚУЛОВ, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Худудий партия ташкилотлари ва депутатларнинг қуйи бўгин билан ишлашга муносабатини янгилаш ол-

(Давоми. Боши 1-бетда.)



димиздаги муҳим вазифа ҳисобланади. Аҳоли орасига чуқур кириб бориш, ижтимоий масалалар юзасидан ҳаётий таклифлар тайёрлашда бу муҳим аҳамиятга эга.

Бугун шаҳар партия кенгашига 1331 та бошланғич ташкилот билан фаол ишлаш борасида ибрат кўрсатиб келаяпти. Аммо, Яккасарой туман, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси партия кенгаши бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга етарли эътибор бермаёпти, бу масъулиятни вазифага юзак қарамокда. Улардаги совуқонлик қуйиларга ҳам кўчган, БПТ етакчиларида ташаббускорлик ва ташкилотчилик етишмай-

ди. Айрим БПТда йил давомида партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билими, фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар деярли ўтказилмаган.

Айрим ҳолларда бошланғич ташкилотларда тадбирлар номигагина ташкил этилади. Уларда ҳаётий масалалар муҳокама қилинмайди. Ижтимоий долзарб мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмаяпти. Хўш, бу камчиликларнинг сабаби нимада? Бу ҳақда партия ташкилотлари етакчилари жиддий ўйлаб кўриши зарур.

Партия кенгашлари билан алоқаси деярли узилиб қолган қуйи бўгинлар ҳам йўқ эмас. Бунинг асосий сабаби — туман ва шаҳар кенгашларининг сусткашлиги, бошланғич таш-

килотлар билан ишлашга масъулият билан ёндашмаётганида. Фақат бошланғич ташкилот тузиш билан партия кенгаши зиммасидаги вазифа адо этилмайди. БПТ ишлаши, электроташаббусчи фойдаси тегиши керак. Бунинг учун юқори партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар фаолиятини доим таҳлил қилиб бориши, уларга яқиндан ёрдам кўрсатиши, тавсиялар бериб бориши лозим.

Нодира ШАРИПОВА, Олмазор туманидаги ҳудудий партия ташкилоти етакчиси:

— Маълумки, бошланғич ташкилотлар фаолиятидаги устувор вазифалардан бири — аъзолар, тарафдорлар, электроташаббусчи ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдан иборат. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида олиб бориладиган ишларда биринчи гада шунга эътибор бераёلمиз. Маҳалламизда 40 дан ортққ ЎзХДП аъзоси бор. Сиёсий ўқувларда уларнинг иштироки таъминлаш, эркин мулоқот тартибидеги учрашувларни кўпроқ ўтказиш, аъзоларнинг фикрларини тинглаш ҳамда муҳокама этишга кенг ўрин бераёلمиз. Энг муҳими, бу одамларимизда ислохотлар тақдирига дахлдорлик туйғуси мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда.

Йиғилиш сўнггида таъкидландики, бошланғич ташкилотларни фаоллаштириш учун уларнинг масъулияти ва манфаатдорлигини ошириш, бу борада изчил механизм ишлаб чиқиш зарур. Ижтимоий-иқтисодий долзарб масалалардаги йиғилишларни қуйи бўгинда кўпроқ ўтказиш бўйича тегишли режа ишлаб чиқилди.

Лаъна ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бандлик

ҚИШЛОҚҚА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

олиб келиниши натижасида 10 киши иш билан таъминланди

Кумқўргон туманидаги «Санжар Сарбон» масъулияти чеklangан жамияти томонидан ўтган йили хорихдан 1 миллиард сўмга тош-шағал майдалайдиган замонавий технология олиб келинган эди. Яқинда у ишга туширилди.

— Кичик заводимиз бунёд этилиши билан ташландик жой обод бўлди, — дейди жамият ишчиси Алишер Сууюнов. — Қишлоқ ёшларидан 10 киши иш билан таъминланди. Келажак-

да маҳсулот ишлаб чиқариши янада кўпайтирмоқчимиз. Корхонада айни кунларда соатиға 50 куб метр тош-шағал ишлаб чиқарилмоқда. (Ўз мухбири.)

9 апрель – Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

БУЮК БУНЁДКОР

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, Президентимиз раҳнамолигида тарихий, илмий-маънавий, диний меросимизни қайта тиклаш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Шу ўринда бир ҳолатни алоҳида таъкидламоқ жоиз. Мустабид тузум даврида Соҳибқирон бобомиз хотираси топталган, хизматлари атайлаб камситилган ва қораланган, унга қилинган бўҳтонлар кучли бўлгандики, буларга кўччилик ишониб қолган эди. Шу боис унинг пок номини тиклаш учун катта маънавий жасорат лозим эди.

Президентимиз истиқлол йилларида миллий ифтихоримиз ва ғуруримиз тимсоли бўлган буюк бобомиз хотирасини тиклаш ҳамда абадийлаштириш йўлида ана шундай улкан жасорат кўрсатди. Давлатимиз раҳбари Амир Темур номини нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида тиклашга эришди.

Дарҳақиқат, озод ва ҳур юртимизда Амир Темур шахсини англаш, улуғлаш ва у билан боғлиқ тарихий ҳақиқатни жаҳонга танитиш, шу муносабат билан буюк келажакимизга ишончимизни юксалтириш йўлида мустаҳкам тамал тошлари қўйилди.

ЮНЕСКО 1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилди. Уша йил апрель ойида ЮНЕСКОнинг Париж шаҳридаги бош қароргоҳида «Темурийлар Уйғониш даври» деб номланган нуфузли кўргазма ва «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг раванқ топиши» мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди.

Кўргазманинг очилишида мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов, ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош котиби Федерико Майор нутқ сўзлади.

Амир Темур таваллуднинг 660 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда кенг нишонланиши бежиз эмасди, албатта. Чунки Амир Темур олти аср муқаддам Осиё билан Европа ўртасида кўприк қурган, яъни Европа давлатлари қироллари билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйган осийлик биринчи ҳукмдор эди.

Президентимизнинг **Амир Темур бундан 600 йил аввалроқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга ҳаракат қилган. Бир томондан – Хитой, Ҳиндистон, бир томондан – Франция ва Англия, яна бир томондан – Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган**, деган сўзлари тарихий ҳақиқатдир.

Ўтган давр мобайнида Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди, Тошкент, Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларида Соҳибқиронга муносиб ҳайкаллар ўрнатилди. «Амир Темур» ордени таъсис қилинди, Халқаро Амир Темур жамғармаси ташкил топди. Бу-

(Давоми. Боши 1-бетда.)



ларнинг барчаси халқимизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Темур ва темурийлар замонида яратилган Уйғониш даврининг илмий ва маданий меросидан бугунги кунда дунё аҳли баҳраманд бўлмоқда.

Амир Темур фаолияти, айниқса, Европа тақдирини улкан бурилиш ясаганини тан олинган ҳақиқатдир. Шу боис европаллик олимлар XVI аср ўрталаридаёқ Соҳибқирон ҳақида қатор илмий асарлар яратган. Италиялик Перондино исмли олимнинг 1553 йили Флоренция шаҳрида яратган «Скифиялик Темурийларнинг улғуворлиги» номли китоби шундай асарлардан биридир.

Агар бугун жаҳонда Амир Темур ҳақида чоп этилган жиддий илмий асарлар рўйхатига назар солсак, уларнинг сони беш юздан ошганига ғувоҳ бўламиз. Бу дунёда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, унинг оламшумул бунёдкорлик ишларига бўлган қизиқиш ғоят катта эканлигидан дарак беради.

Амир Темур ҳақида XV-XVI асрларда ёзилган асарлар орасида Иоанн Шильтбергернинг «Европа, Осиё ва Африка бўйлаб саёхат», Султонлар архиепископи Иоаннинг хотиралари, Руй Гонсалес де Клавихоннинг «Самарқандга — Амир Темур саройига саёхат кундалиги» номли асарлари салмоқли ўрин эгаллайди.

Айни пайтда гаронинг машҳур адиб ва драматурглари томонидан Амир Темур образи бадий талқинини яратишда қўламли ишлар қилинган. Бун-

га мисол тариқасида Кристофер Марлонинг «Буюк Темур», И.Гётеннинг «Фарбу Шарқ девони», Эдгар Понинг «Темурбек» дostonларини келтириб ўтиш жоиз.

Европалик машҳур бастакорларнинг Соҳибқирон бобомиз ҳақида муносиқ асарлар ҳам яратганликлари маълум. Буларнинг барчаси Европада Амир Темур шахсига қайта-қайта мурожаат қилиб келинаётганининг ёрқин далилидир.

Ҳозирги кунда жаҳонда Амир Темур даври тарихи ва шахсига бўлган қизиқишлар оша ошдики, асло қамайган эмас. Хусусан, Европа темиршунослигида французлар ҳамisha олдинги ўринда турганлар. Ҳозирги кунда ҳам Париж шаҳрида Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар ассоциацияси фаолият кўрсатмоқда. Унга профессор Льюсьен Керен раҳбарлик қилиб келмоқда. Олим умрининг ярмини темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганишга сарфлаган. Унинг «Самарқандга, Амир Темур даврига саёхат» ва бошқа асарлари кўп минг нусхада қайта-қайта нашр этилганлиги илмий-маърифий жамоатчиликка яхши маърифат.

Ассоциация бош котиби Фредерик Брессан хоним ҳам Амир Темур ва темурийлар тарихи билимдонидир. Фредерик хонимнинг «Мовий Самарқанд» ва «Самарқанд оҳанрабоиси» китоблари Самарқанд ва темурийлар ҳақида ёзилган энг яхши асарлардир.

Ассоциация мунтазам чоп этиладиган «Темурийлар» номли ўз журналига ҳам эга. Ушбу ассоциация билан бизнинг Археология институти-миз ўртасида ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Профессор Кереннинг Ўзбекистонга ва ўзбек халқига меҳри баланд. Учрашувларимиз бирида олим: «Европаликлар Амир Темурга Европани Боязиддан халос қилганлиги учун эҳтиром кўрсатади, деган гап бор. Бирок, тарихда шундай қонунят борки, галабалар ҳам мағлубиятлар ҳам аста-секин унутилади.

XVIII асрларгача европаликлар Амир Темур яратган Ренессансдан тўла хабардор эмас эди. XVIII-XX асрларга келиб жаҳоннинг кўпгина давлатлари Амир Темур яратган Ренессанс даври ютуқларидан баҳра ола бошлади. Шу сабабли европалик ижодкорлар уни Шарқ Ренессансининг бунёдкори сифатида қадрлайдилар», — деган эди.

Профессорнинг ушбу фикрини бошқа олимлар ҳам қўллаб-қувватлайди. XX асрга келиб Европада Амир Темур ва темурийлар тарихи, маданияти, сиёсати ҳақида янги-янги асарлар яратилди. Бунга мисол тариқасида машҳур француз шарқшуноси Жан-Поль Ру ва инглиз олими Гарольд Лэмбнинг асарларини келтириш мумкин.

Жан Ру ўз асарига Амир Темур тарихига оид Фарб ва Шарқ мамлакатларида сақланган манбаларни чуқур таҳлил этиб, Соҳибқироннинг ҳокимиятга келишидан тортиб, то вафотигача бўлган даврини яхши ёритиб берган. Асарни ўқиган киши Амир Темур фаолиятининг барча қирралари ҳақида яхши маълумот олади.

Г.Лэмб Соҳибқироннинг давлат арбоби, саркарда ва бунёдкорлик фаолиятини тарихий манбалар ҳамда Европада чоп этилган илмий асарлар орқали яхши ёрита олган. Ушбу асарнинг қимматли томони, у Европа тарихшунослигида Амир Темур ҳақида шаклланган айрим ноилмий ғояларнинг пуч эканлигини исботлаб берди. Муаллиф Амир Темур шахсига баҳо берад экан, Соҳибқирон барча ютуқларга ўз шижоати, қатъиятчилиги ва ғоят кучли қобилияти билан эришганлигини ёзади.

Г.Лэмб Амир Темур ҳақида: «У Александр Македонский каби қудратли уруғ дохийсининг меросхўри эмасди. Енгилмас Александр дастлабки ҳарбий юришларида ўз халқидан, яъни македонлардан фойдаланди, Чингизхоннинг ордан эса унинг мўғуллари эргашдилар. Темур эса ўз атрофига одамларни тўплашига тўғри келди. Унинг ихтиёрида бўлган худудлардан икки қитъани боғлайдиган савдо қарвони йўллари ўтарди. Темур ҳеч бир таърифга сиймайди. У ўз сулоласини яратди. У варварлар дохийси Аттила каби Римни изламади, аммо ўз Римини барпо қилди. У ўзи учун ҳукмдорлик тахтини яратди...» деб ёзган.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз лозимки, Соҳибқирон Амир Темур улкан ва қудратли, ўз қонун-қоидаларига эга бўлган давлат яратган, Қадимги Шарқ заминини Уйғониш даврининг тамал тошини қўйган, буюк бунёдкор сифатида дунёда тан олинган шахсдир.

Амирддин БЕРДИМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академияси
Археология институти директори.



МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАР БИЛАН БОЙИМОҚДА


Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида «Буюк соҳибқирон – буюк бунёдкор» деб номланган янги кўргазма ташкил қилинди. Унда Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик, ободончилик соҳасида олиб борган улкан ишларига бағишланган экспонатлар намойиш этилмоқда.

Темурийлар тарихига оид 2000 дан ортиқ ноёб экспонатлар мазкур музейда сақланади. Улар ичида Соҳибқирон яратган обидаларнинг нусхалари ва суратлари, заргарлик буюмлари, сопол ва мис идишлар, турли қурол-аслаҳалар, тангалар ва кўлэзма асарлар бор.

тарихий ашё ҳақида тўхталмоқчимиз.

Биринчиси, Амир Темурнинг фармони билан Аҳмад Яссавий мақбараси учун мисдан ясалиб, қумуш ва олтин суви билан безак берилган цилиндр шаклда ишланган мойчиноқ жуда ноёб тарихий буюм ҳисобланади.

Шунингдек, Мироншоҳ Мирзога атаб Эронда хризолит тошидан ва Шоҳрух Мирзонинг рафикаси Гавҳаршодбегим учун Ҳиротда нефрит тошидан ясалган тўқ яшил рангли бодом шаклидаги узук-муҳрлар. Бу экспонатлар Темурийлар даврида хунармандчилик нақадар ривожланганининг ёрқин намунаси.



Маълум сабабларга кўра, Темурийлар тарихига оид айрим ашёлар хорижий давлатлар музейларида ҳам сақланмоқда. Музейда «Жаҳон ҳазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар» кўргазмаси ташкил этилиши муносабати билан 50 дан зиёд ноёб экспонатларнинг нусхалари тайёрланди ва кўргазмага қўйилди.

Бу экспонатлар Темурийлар тарихининг маълум бир даврини қамраб олиши билан қимматлидир. Улар ҳақида музейга келиб, кўргазмани томоша қилганлар керакли маълумотлар олган бўлишлари керак.

Биз Санкт-Петербург Давлат эрмитажида сақланаётган учта

Музейдаги ҳар бир экспонат Соҳибқирон асос солган марказлашган давлатнинг бой маданий меросидан ҳикоя қилувчи ноёб ашё. Булар музейга келатган ҳар бир юртдоши-нақадардаги темурийларга оид жавоҳирлар, шавкатли аждодларимизга муносиб авлодларнинг нусхалари тайёрланди ва кўргазмага қўйилди.

Бу экспонатлар Темурийлар тарихининг маълум бир даврини қамраб олиши билан қимматлидир. Улар ҳақида музейга келиб, кўргазмани томоша қилганлар керакли маълумотлар олган бўлишлари керак. Биз Санкт-Петербург Давлат эрмитажида сақланаётган учта

Ҳикмат ОННАЕВ,

Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими.

Суратларда: Аҳмад Яссавий мақбараси учун ясалган мойчиноқ, Шоҳрух Мирзонинг рафикаси Гавҳаршодбегимнинг узук-муҳри.



Хориж

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАР

рекламаси тақиқланди

Бельгия ҳукумати мобиль телефонларнинг болаларга мўлжалланган рекламасини тақиқловчи қарор қабул қилди.

Мамлакат Соғлиқни сақлаш ва истеъмол вазири эса қўл телефонлари савдоси ва рекламаси бўйича янги тартиб-қоида жорий этди. Унга кўра, дейилади «Belga» ахборот агентлиги хабарига эътибор қилинган бўлганда, эндиликда мобиль телефонларни болаларга мослаб, бирор бир ўйинчоқ кўринишида ишлаб чиқариш ҳам мумкин эмас. Бундан ташқари, мулоқот пайтида нурланиш қуввати қанча даражада бўлиши аппарат қутисиди

кўрсатилиши шарт. Болаларнинг мобиль телефонлари савдоси ва рекламаси бўйича янги тартиб-қоида жорий этди. Унга кўра, дейилади «Belga» ахборот агентлиги хабарига эътибор қилинган бўлганда, эндиликда мобиль телефонларни болаларга мослаб, бирор бир ўйинчоқ кўринишида ишлаб чиқариш ҳам мумкин эмас. Бундан ташқари, мулоқот пайтида нурланиш қуввати қанча даражада бўлиши аппарат қутисиди

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистани» газеталари таҳририяти жамоаси «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бosh директори Рустам Қосимовга онаси

Насима аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистани» газеталари таҳририяти жамоаси таҳрир хайъати аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари Улугбек Мустафоевга укаси

Оттабенинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистани» газеталари таҳририяти жамоаси «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг газета-журнал мажмуаси бошлиғи Бехоз Адхамовга отаси

Ҳикматилла отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Иброҳим ЁҚУБОВ,
иктисодчи.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Сурхондарё минтақавий филиали:

ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Дунёнинг кўпгина давлатлари иқтисодиётида ҳали-ҳануз молиявий-иктисодий инқироз ўз салбий таъсирини кўрсатаятган бир пайтда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Бунда, албатта, юртимиз банк-молия тизимида олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан юртимиз раванқи, йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, кўрсатилаётган хизмат турлари аҳоли турмуш тарзини яхшилашига ҳамда халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиляпти.

Бугунги кунда мамлакатимиз молия бозорига мустаҳкам мавқега эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё минтақавий филиали ва унинг 6 та минибанклари 14 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар аҳолига барча турдаги банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Мижозларнинг аксарият қисми хусусий ва кичик корхоналар, ширкатлар ва жамиятлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кўшма корхоналар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлардир.

2013 йил 1 январь ҳолатига вилоят иқтисодиётининг турли соҳаларига йўналтирилган банк кредит қўйилмалари ҳажми 16.7 млрд сўмни ташкил

қилди. Бунинг 11.9 млрд сўми узок муддатли кредитлардир.

Жумладан, банк томонидан ўтган йили 6.1 млрд сўм миқдоридида 20 та инвестицион лойиҳа молиялаштирилди. Мисол тариқасида, вилоятдаги «Кавсар Мадад» хусусий корхонасига қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиши учун 160.0 млн сўм, «Агрохизмат Шингдон» кўшма корхонасига 1500.0 млн сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилди. Юқоридаги манзилли дастурлар ижроси натижасида қўшимча 348 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларда банк минтақавий филиалининг хиссаси салмоқли бўлмоқда. 2013 йилда соҳани ривожлантиришга 24.2 млрд сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилиши белгиланган. Президентимизнинг Озиқ-овқат

маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўндириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига асосан 3.3 млрд сўм миқдоридида ҳамда Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилиши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига асосан, ўтган йили 2.5 млрд сўм миқдоридида банк томонидан кредит маблағлари ажратилганлиги натижасида 2013 йили воҳадаги кўпплаб ёшлар иш билан таъминланишига эришилди.

Инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг нақд пул маблағларини банк омонатларига жалб этиши янада рағбатлантириш бўйича ҳам минтақавий филиал томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳозирги пайтда 35 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий қилинган бўлиб, бу омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда омонатчиларнинг биринчи талаблари асосида фойзалари ҳисобланган ҳолда қайтарилмоқда. Бу ишлар натижасида аҳоли омонатлари қолдиғи 2013 йил 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан

Томаш АЯН: ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ВА САМАРАЛИ ЙЎЛИ ТАНЛАНГАН

— Ўзбекистонга илк бор ўтган асрнинг етмишинчи йиллари бошида келган эдим, — дейди Т.Аян. — Ушанда юртингизнинг самимий, дилкаш ва меҳмоннавоз одамлари менда ниҳоятда илқ таассурот қолдирганди. Мамлакатингизда иккинчи ташрифим 2011 йилга тўғри келди. Бу вақт оралиғида рўй берган ўзгаришларни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Ўзбекистон умуман бошқа мамлакатга айланб, унинг қиёфаси тубдан ўзгарганига ғувоҳ бўлдим. Ҳатто сўнги икки йилда рўй берган ўзгаришлар ҳам ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Биргина пойтахтингиз Тошкент шаҳрининг бугунги таровати, замонавий меҳмонхоналар, янги бино ва иморатлар, файзли кўчалар мамлакатингиз нақадар юқори суръатларда ривожланаётганининг ёрқин далилидир. Ўзбекистондаги тартиб-интизом, тозаллик ва озодалликка, саришталликка, одамлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр ва оқибат, ҳамжихатликка жуда-жуда ҳавасин келди. Айниқса, халқингизнинг хушхулқлиги, муомала маданияти, таниш ва нотаниш одамларга ҳамisha ёрдамга тайёрлиги мени ҳайратга солди. Бундай файзиёб ва маломатли юрда меҳмон бўлиш одамга ҳузур ва қандайдир илоҳий куч-қувват бахш этади. Эҳтимол бу, илдишларимиз бирлиги, халқларимиз ўртасидаги ўхшаш ва яқин жиҳатлар билан ҳам боғлиқдир. Мен венгрияликман. Аждодларимиз қачонлардир Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидан ҳозир Венгрия эгаллаб турган ерларга бориб қолганлар. Шу боис Ўзбекистонда меҳмон бўлиш менга алоҳида мамнулик ва хуш кайфият бағишлайди.

Венгрияда Ўзбекистон ҳақида, мушаккиллик йилларида мамлакатингизда ҳаётнинг барча жабҳаларида рўй берётган улкан янгиланишлар ҳақида эришилётган муваффақиятлар ҳақида яхши билишди. Мен юртингиз барча соҳаларда нақадар жадал суръатларда тараққий этиб бораётганини катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Ўзбекистонда тинчлик ва оқилоллик ҳукм сураётгани, ўзбек халқи ўз олдига қўйган олижаноб мақсадлар сари собиққадамлик билан интилаётганини алоҳида таъкидлашни истар-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

дим. Бунинг натижасида иқтисодиёт, таълим-тарбия ва бошқа ижтимоий соҳаларда бекиёс ютуқлар қўлга киритилди. Мазкур омиллар мамлакатингизда спортни ривожлантиришда ҳам гоёт муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг буюк даҳоси ва у юритаётган оқилона сиёсатнинг амалдаги натижаларидир.

— **Мамлакатимизга ташрифингиз чоғида Президентимиз Ислам Каримов билан учрашиш имкониятига эга бўлдингиз.**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашиш шарафига муссаар бўлганимдан жуда мамнунман. Давлатингиз раҳбарининг Ўзбекистонда спортни ривожлантириш стратегияси, спортнинг инсон ҳаёти, айниқса, ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом ҳамда эркин фикрловчи инсонлар этиб тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти, юртингизда болалар спортини тараққий эттиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганига доир қимматли фикрлари менда улкан қизиқиш уйғотди. Хизмат юзасидан дунё бўйлаб кўп сафар қиламан, турли мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашаман. Лекин шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, болалар спортни ривожлантириш орқали истиқболда юрт тақдирини унчун масъулиятни ўзиммасига олишга қодир баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда ёшларни тарбиялашни болаликдан бошлаш кераклиги тўғрисидаги гоёси буюк гоёдир. Зеро, давлатингиз раҳбари таъкидлаганидек, болалар ва ёшларнинг спорт билан шуғулланиши уларни кучли ва иродали, ҳаётда учрайдиган синнов ва қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда гоёт катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган болалар спортини ривожлантириш жамғармасига шахсан Президентнинг ўзи раҳбарлик қилаётгани, ушбу фонд маблағлари болаларнинг соғлом ривожланишига бевосита алоқадор соҳанинг инфратузилмасини

ривожлантиришга йўналтирилаётгани тахсинга сазовордир. Дунёдаги ҳамма мамлакатларда ҳам болалар спортига Ўзбекистондаги каби юксак эътибор қаратилмаётир. Ҳолбуки, инсон салоҳиятига, ёш авлодларнинг бахтли истиқболига йўналтирилган сармоя келгусида ўзининг салмоқли натижаларини беришини мамлакатингиз мисолида яққол кўриш мумкин. Оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионатининг Ўзбекистонда ўтказилаётгани ҳам бунга далилдир.

— **Ўзбекистон мазкур чемпионат мезбони сифатида қандай мезонлар асосида танланди?**

— Ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг Тошкент шаҳрида ўтказилиши 2011 йили Парижда ўтказилган халқаро оғир атлетика федерациясининг Конгрессида эълон қилинган эди. Бу каби йирик спорт мусобақаларига мезбонлик қилиш учун етарли даражада шарт-шароит, спорт тадбири ўтказилиши режалаштирилган мамлакатда тинчлик-осойишталик, барқарорлик мустаҳкам бўлиши шарт. Талаб этиладиган ушбу барча жиҳатлар Ўзбекистонда мавжуд. Бу ердаги спорт иншоотлари юксак халқаро стандартларга жавоб беради. Яна бир муҳим жиҳати, Ўзбекистон спортчиларининг кўплаб халқаро мусобақаларда эришаётган галабалари натижасида мамлакатингизнинг дунё спортдаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Биргина оғир атлетикани оладиган бўлсак, Ўзбекистон терма жамоаси 2011 йили Францияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кучли бешликдан ўрин олганлиги ва олти нафар оғир атлетикачи Лондон олимпиадасига йўлланма олганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Агар бугунги кунда федерациямизга дунёнинг икки юзга яқин давлати аъзо эканлигини инобатга оладиган бўлсак, кучлилар сафидан ўрин эгаллаш нақадар қийин эканлиги аён бўлади. Ўзбекистон оғир атлетикачилари сўнги 6-7 йил ичида ана шундай кучли рақобат шароитида катта ютуқларни қўлга киритаётгани Ўзбекистон спортни ривожлантиришда тўғри йўл танлаганини кўрсатади.

— **Мамлакатимизда жаҳон чемпионатида қўрилган тайёргарлик ишлари ҳақида фикрингиз?**

— Ўзбекистонда ушбу мусобақани юқори савияда ўтказиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Барча ташкилий ишлар жой-жойида, спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар, шифокорлар, мутахассисларнинг ўз вазифаларини бажариши учун ҳамма қулайликлар мўжайё. Мазкур мусобақаларда дунёнинг 70 давлатидан беш юзга яқин спортчи иштирок этмоқда. Унда 2014 йили Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган иккинчи ўсмирлар олимпия ўйинлари йўлланмалари учун ҳам кураш олиб борилади. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу нуфузли спорт форуми юртингизда спортни, жумладан, оғир атлетикани янада ривожлантиришда гоёт катта аҳамият касб этади. Мусобақаларни бевосита ёки оммавий ахборот воситалари орқали кузатган ёшларнинг спортнинг бу турига қизиқиши ошиши шубҳасиз. Зеро, оғир атлетика спортнинг бошқа турлари учун асос ҳисобланади. Чунки барча спорт турлари оғирликни бўйсундириши ва катта куч ҳамда иродани талаб этади. Ўзбекистонда асос солинган ёшларнинг уч босқичли спорт мусобақаларига, албатта, масаланинг тиббий томонини ҳам эътиборга олган ҳолда, оғир атлетикани ҳам киритиш масаласи кўрилаётганини эшитиб хурсанд бўлдим. Шу ўринда мамлакатингиз раҳбари гоёси ва ташаббуси билан яратилган бу ноёб тизим ёшларни спортга ошно этишда, бу беллашувларда спортчи сифатида шаклланиб, тоналаниб келгусида маҳоратли атлетлар бўлиб етишишига хизмат қилишини алоҳида қайд этмоқчиман.


Ўзбекистонга ташрифим мобайнида Президент Ислам Каримов билан учрашув, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон оғир атлетика федерациясида ўтказилган музокара, кузатишларим асосида мамлакатингиз спортни ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг энг тўғри ва самарали йўлини танлаганига ҳамда бу борадаги вазифалар изчил амалга оширилаётганига ғувоҳ бўлдим. Ўзбекистонда ҳамма ҳавас қилса арзийдиган заковатли ва кучли авлод вояга етаётгани амин бўлдим. Бундай давлатнинг келажаги буюк бўлишига шак-шубҳа йўқ.

ЎЗА МУХБИРИ
Олим ТўРАҚУЛОВ
суҳбатлашди.

«Жаҳон чемпионати – 2013»

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати бошланди



Мухаммад АМИН (Ўза) олган сурат.

Ушбу жаҳон чемпионати мезбонлик қилишга Ўзбекистондан ташқари Россия, Польша ва Таиланд каби давлатлар ҳам даъвогарлик қилган эди. Халқаро оғир атлетика федерацияси Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган оғир атлетикани ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётганини, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ва имкониятларини инобатга олиб, мазкур жаҳон чемпионатини Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

8 апрель куни пойтахтимизда оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионатининг очилиш маросими бўлди. Байрамона безатилган «Ўзбекистон» спорт мажмуаси меҳмонлар, спортчилар ва мухлислар билан гавжум.

Чорлов садолари остида майдонга жаҳон чемпионати иштирокчилари — етмишга яқин мамлакат терма жамоалари кириб келди.

Ўзбекистон оғир атлетика мактабининг мавқеи ҳам тобора юксалиб бормоқда. Мамлакатимизда сўнги саккиз йилда ушбу спорт тури бўйича олти йирик тадбир — уч мартадан Осиё чемпионати ва кубоги мусобақалари юқори савияда ташкил этилди. 2010 йили Тошкент шаҳрида ўтган катта биринчилиги ёш атлетлар учун Сингапур мезбонлик қилган I ўсмирлар Олимпиадасига саралаш мусобақаси вазифасини ўтади.

Оғир атлетикачиларимиз халқаро мусобақаларда ҳам юқори натижаларни қайд этмоқда. 2011 йили Францияда ўтган жаҳон чемпионатида 20 ёшли Руслан Нуриддинов ўзбек полвонлари ўртасида илк мартаба жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. 2012 йил Лондонда ўтган XXX ёғи Олимпия ўйинларида Руслан Нуриддинов тўртинчи, Иван Ефремов эса бешинчи ўринни эгаллади. Ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони Мария Сисоева оғир атлетика қизларимиз орасидан биринчи бўлиб Олимпия ўйинларида катнашди.

Бугун мамлакатимизнинг спорт жамоатчилиги, спортчилар, мураббий ва мутахассислар 2016 йил Бразилияда бўладиган навбатдаги ёғи Олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёғи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори бунда дастуриламал бўлмоқда.

Тошкент шаҳрида бошланган оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатини ўтказишдан қўзланган мақсад ёш атлетларимизни 2016 йилги ёғи Олимпиядага босқичма-босқич тайёрлашдан иборат. Жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган Ўзбекистон ўсмирлар ва қизлар терма жамоаларига йигирмага яқин иқтидорли спортчиларимиз жалб этилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон оғир атлетика федерациясининг раиси Б.Зокиров сўзга чиқди.
Зокир ТОШҲУЖАЕВ,
Ўза мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— **Халқаро ҳамжамият Ўзбекистонда кўплаб соҳалар спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мазмуни ва самараларидан яхши хабардор, — дейди Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти Томаш Аян. — Мамлакатингизда ҳар қандай йирик мусобақани юқори савияда ташкил этиш учун етарли шарт-шароит яратилган боис бу галги жаҳон чемпионати ҳам муваффақиятли ўтишига аминимиз. Шу жиҳатларни инобатга олиб, Халқаро оғир атлетика федерацияси 2017 йили катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатини ҳам Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.**



Анджон вилояти қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида ўтган йили 770 та уй-жойлар қурилган бўлса, жорий йилда 900 та шундай уйлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Олтинкўл туманининг Қўмакай икки томонидаги қатор янги уй мавзеидан ўтган катта йўлнинг ўзгача чирой очди. Замонавий ту-

ОБОД ҚИШЛОҚ УЙЛАРИ

рар-жойларга қўйиб ўтган юртдошларимизнинг кайфияти кўтаринки.

— Уғилларим Абдулазиз, Сирожиддиннинг никоҳ тўйини янги уйда ўтказдик, — дейди Турсунали Юнусов. — Болаларимизни, келинларимизнинг қувончини кўриб, бу кунларга шукрона келтираман.

— Уйимизни «Баркамол қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамиятининг Маҳкамжон Раҳмонов бошчилигидаги бригада қурувчилари битказишди, шароитлар зўр — дейди Насриллохон Солиев.

— Янги уйда ўғлим Олимжон, келиним Зилолаҳон, набирам Фарзона билан яшапмиз, — дейди Арофатхон Раҳимова. — Тўрт хонали турар-жой мукамал қурилган. Кенг, ёруғ хоналар пардозини ҳам дид билан бажарилган.

Қўмакайнинг кўп. Очиғи, бундай уйларга эга бўлиш тушимизга ҳам кирмаганди. Президентимизга минг раҳмат.

Кўмакайни бугун қишлоқ демай-сиз, мисоли мўъжаз шаҳарча. «Ихтисослашган Шаҳрихон қурилиш», «Баркамол қурилиш сервис», «Милано бизнес», «Анд кошинкор», «Мираж элгант» масъулияти чекланган жамиятлари бинокорлари битказган 58 та янги уй қаторида савдо, сервис, маший хизмат шохобчалари ўрин олган.

— Маҳалламиз идораси биносининг янги уйларга монанд бўлишига эътибор қаратганмиз, — дейди Қўмакай ҚФЙ Чўнтак маҳалла фуқаролар йиғини котиби Дилхушбек Мирзабаҳромов. — Янги кўрнини олган бино рўпарасида Наврўз байрамини ўтказдик. Яхши ният билан сумалакка

бўғдой ундирдик.

— 5 метрли гулхона, салкам тўрт метрли пиёдалар йўлакчаси янги уйлар кўрқига кўрк қўшди, — дейди Олтинкўл туман автомобил йўлларини таъмирлаш пудрат корхонаси ходими Абдухалил Сулаймонов. — Катта йўлнинг қатнов қисми 7 метр кенгайишини ҳисобга олиб, бетон ариқ ўтказялмиз. Экилган дарахт кўчатларини гуллар кўзингизни қувнатади.

Қўмакай сингари қишлоқларимизда қурилган қулай, шинам ва замонавий уйлар юртдошларимизнинг оруз-истаклари рўёбга чиқаётгани, қишлоқ инфратузилмаси ривожланиб, одамлар турмуши фаровонлашиб бораётганининг тасдиғидир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО	9-10 - 04. 2013
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+8 / +13	+25 / +30
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+7 / +12	+25 / +30
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+7 / +12	+23 / +28
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+8 / +13	+25 / +30
Анджон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+7 / +12	+22 / +27
Тошкент шаҳри	
+10 / +12	+24 / +26
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	0 / 0
Париж	0 / -1
Москва	+1 / -2
Мадрид	+6 / +4
Пекин	0 / +5
Канберра	+6 / +7

<p>MUASSIS:</p> <p>O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI</p>	<p>Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Фаррух ҲАМРОЕВ</p> <p>ТАНҲИР НАҲ'АТИ:</p> <table border="0"> <tr> <td>Abdulla ORIPOV</td> <td>Murodulla ABDULLAYEV</td> <td>Muslihiiddin</td> </tr> <tr> <td>Latif G'ULOMOV</td> <td>Ulug'bek MUSTAFOYEV</td> <td>MUHIDDINOV</td> </tr> <tr> <td>Sharbat</td> <td>Tat'yana KISTANOVA</td> <td>Ochilboy RAMATOV</td> </tr> <tr> <td>ABDULLAYEVA</td> <td>(Bosh muharrir o'rinbosari)</td> <td>Saidahmad RAHIMOV</td> </tr> </table>	Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin	Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV	Sharbat	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV	ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV	<p>BO'LIMLAR:</p> <p>Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vakolatkorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 233-55-17.</p> <p>MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.</p> <p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.</p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.</p>	<p>Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.</p> <p>«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.</p> <p>e-mail: info@uzbekistonovozi.uz</p> <p>Г — 446 16762 nuxsada bosildi.</p> <p>Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.40 Topshirilgan vaqti — 00.00</p> <p>Sotuvda erkin narxda</p>	<p>Navbatchi: Asror MO'MINOV</p> <p>Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV</p> <p>ISSN 2010-7633</p> <p>1 2 3 4 5</p>
Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin														
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV														
Sharbat	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV														
ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV														